



**Farg'onaazot**  
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot\_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona\_azot

**Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!**

# Kimyogar

№ 7 (1707)  
2022-yil, 18-iyul.



**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан “Оламини махлиё айлаган диёр!” шиори остида “Давлат герби – ифтихор рамзи” мавзусида ўтказилган “Энг яхши мақола” танлови ғолиби.**

## ДАВЛАТ ГЕРБИ — ИФТИХОР РАМЗИ

Дунёда ҳар бир мустақил давлат бор экан, албатта, унинг ўз рамзлари - байроғи, герби ва мадҳияси бўлади. Бу рамзлар ўша миллатнинг тарихини, миллийлигини, умумбашарий қадриятларини ўзида акс эттиради. Герб сўзи немисча – “ербе” – “мерос” сўзидан олинган бўлиб, бирон бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий ҳусусиятдаги ғоялари мажмуасини ўзига хос табиий ва ҳўжалик хусусиятлари, табақавий тафовутларини, шахс, уруғ ва шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белги. Герблар ранг, шакл, расм жиҳатдан ўзаро фарқланиб, махсус қоидаларга биноан ишланади ва махсус терминлар билан тавсифланади. Герб антик даврларда пайдо бўлиб, у минтақаларда, ҳудудларда турлича бўлган. Масалан, антик давр давлатларидан бири - Шумернинг гербида шер бошли бургут, қадимги Рим давлати гербида бургут, Венеция гербида қанотли шер тасвири акс этган.

Ўрта асрларда кўпгина шаҳарлар ўз гербига эга бўлган. Фарбий Европада герблар уруғ, меросхўрлик белгилари сифатида Салб юришлари даврида юзага келган<sup>1</sup>. Кейинчалик байроқлар, қозғ поллар, муҳрлар ва қозғоларга гербларнинг тасвири туширила бошланди. Герблар, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан геральдика фани шуғулланади.

Геральдика латинча “ҳералдус” сўзидан олинган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан юзага келган гербларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фанидир. Дастлаб XIII - XIV асрларнинг биринчи ярмигача дворян, цех ва йирик ер мулкларининг гербларини тузиш билан герольдлар шуғулланганлар. XIV асрдан бошлаб гербчилар устaxonаси ташкил топган. Унда мураккаб ва рангли герблар яратилган.

Археологик қазилмалар натижасида Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимда муҳрлар, тангалар ва буюмларга, шаҳар, давлат, уруғ ёки ҳунармандчилик уюшмаларига герб суратларини тушириш кенг тарқалганлиги аниқланди. Герблар аҳждодларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданиятини, яшаш шароитини ўрганишга, давлатлар ва сулолалар тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи манбаалардан биридир. Цивилизация, шаҳарсозликнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётда туб бурилиш ясади.

Тарихдан маълумки, XIV - XV асрларда Ўрта Осиё маданиятининг юқори чўққисига чиққан, Амир Темур асос солган марказлашган давлатда ҳам герб мавжуд бўлган. Бу гербда уч ҳалқа тасвирланган бўлиб, у Амир Темурнинг уч икклимда: шимолий, жанубий ва ғарбий минтақаларда ҳукмрон эканлигига ишорадир.

Бундан ташқари, зарб этилган тангаларда герб тасвири ҳам акс этган. Асосан, зарб этилган жойининг номи, санаси, сўзлар ёки рақамлар билан қалима ва тўрт халифа номи ҳам бўлган. Шунингдек, Мирзо Улуғбек ўтказган пул ислохотидан сўнг, зарб қилинган қумуш тангаларга Амир Темур исми ва сурати, яъни гербнинг тасвири туширилган. Темур ва теурийлар давридаги XIV - XV асрларга тегишли ушбу ноёб тангалар Мирзо Улуғбек мадрасасидаги музейда сақланмоқда.

Адабиётимизда тарихқа оид, ўзига хос герблар тасвири туширилган ноёб танга ва муҳрлар ҳақида ёзилган бадий асарлар етарлича. Жумладан, Комил Синдаровнинг “Темурий-

лар кутубхонасининг сири”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” каби асарларида теурийлар сулоласига оид қадимий тангалар, муҳрлар туширилган ноёб қўлёзма ва китоблар ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, герб тасвири ўша даврлардаёқ ижтимоий ҳаётда, сиёсий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Давлат қозилари ва давлат амалдорларининг муҳрида герб тасвири акс этган. Муҳрлар қанчалик аҳамиятли эканлигини тарихий манбаларда, шу билан бир қаторда, бадий асарларда учратиб, янада чуқурроқ англаб етамиз.

Ойбекнинг “Навоий” романини ёдга олайлик. Хусайн Бойқаро гараз ниятли кишилар фитнасига алданиб, ўзи билмаган билан тавсифланади. Мўмин Мирзо ўлими ҳақидаги фармонга муҳр босади, натижада унинг ўн бир ёшли набираси қатл этилади, қолаверса, оқил ва тадбиркор ўғли Бадиуззамон билан ҳам муносабатлари кескинлашади. Пировард натижада мамлакат парокандаликка юз тутайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, герб, муҳр ҳар қандай мамлакат ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган қудратли кучдир. Мустақилликдан сўнг қўлга киритган муҳим ютуқларимиздан яна бири давлат рамзлари ҳисобланади. Ўзбекистон давлат мадҳияси Абдулла Орипов ва Мутал Бурхонов томонидан яратилганини кўпчилик билади. Афсуски, герб муаллифи ҳақида бундай дея олмаيمиз. Давлатимиз байрогини болаларга изоҳлаб ўргатар, у жаҳон минбарларида мадҳиямиз садолари остида ҳилпираб турса, фаҳр туйғусини ҳис қилар эканмиз-у, уларнинг келиб чиқиш тарихини, аҳамиятини ва муаллифларини у қадар яхши билмас эканмиз.

Давлатимиз герби 1992 йилнинг 2 июль кўни Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида қабул қилинган бўлиб, унинг муаллифи графикачи-рассом Анвар Мамажоновдир. Ижодкор 1950 йил 22 майда Тошкент шаҳрида туғилган. 1968-1973 йилларда Миллий расомлик ва дизайн институтида тахсил олган. Талабалик йилларида маҳорат сирларини ўз даврининг буюк расомлари устaxonаларида ўрганган. Шахсий кўргазмалари турли мамалакатларда ўтказилган. У 20 дан ортиқ халқаро кўргазма штироқчиси ва совриндоридир. Шунингдек, миллий байроғимизнинг яратилишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

Давлат герби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 616-VII сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган.

Гербимизда узоқ ўтмишимиз, асрлар давомида яшаб келаятган миллий ўзлигимиз ўз аксини топган. Қадим даврлардан буюн халқимиз адабиётда яшаган мифик образ — Ҳумо қуши гербимизнинг марказида бахт ва эрксеварлик, тинчлик рамзи сифатида тасвирланган. У халқимизнинг тинч-тотув, осойишта ҳаёти рамзидир.

Давлатимиз герби – ифтихоримизнинг рамзи. Дарҳақиқат, рамзаларимиздаги ўзликини англаб, ўтмишимиз, бугунги кўнимиз қадр-қимматини юракдан ҳис қилиб, буюк келажак томон собит қадамлар ила олға борамиз!

**Дилмурод СУЯРОВ,**  
молия ва контракт мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими етакчи иқтисодчиси.

# МУРОЖААТЛАР КҮРИБ ЧИҚИЛМОҚДА...

**Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахслар қабулхонаси мунтазам равишда мурожаатлар билан ишлаб келмоқда. Қабулхона фаолиятининг 2022 йил биринчи ярим йиллик якунлари қандай?**

Бу даврда “Farg'onaazot” АЖга жисмоний ва юридик шахслардан жами 237 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 7 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасидан, 7 таси сайёр қабулларда, 37 таси бевосита жисмоний шахслардан келиб тушган бўлса, 186 тасини оғзаки мурожаатларни ташкил этади.

Келиб тушган мурожаатлардан бевосита 58 таси қаноатлантирилди, 172 таси бўйича тушунтиришлар берилди. Виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича 2 таси ўз ечимини топган бўлиб, 5 тасига тушунтиришлар берилди. Тахлилларга қўра, қаноатлантирилган мурожаатларнинг аксарияти ногирон ва кам таъминланган ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларни ташкил этган. Тушунтириш берилган фуқароларнинг кўпчилиги корхонага ишга жойлашиш юзасидан мурожаат қилган.

Айтиб ўтиш жоизки, корхона бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари

томонидан ўтказилган сайёр ва шахсий қабул орқали 7 нафар жисмоний шахс мурожаати тингланган.

Келиб тушган мурожаатларнинг асосий қисми, яъни, 186 таси ишга жойлашиш, 3 нафари ҳомийлик масаласида, 2 таси минерал ўғитлар сотиб олиш борасида, 1 таси иш ҳақини ошириш ва тўлаб бериш ҳамда 45 таси бошқа масалаларда бўлган. Таъкидлаш лозимки, жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Эслатиб ўтамиз, 2022 йилнинг иккинчи чорағида жамиятда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда чиқишлар сони 2 тани ташкил этган ва ҳар чорақда жамиятимизнинг “Кимёгар” газетасида чоп этиб боришмоқда. Қуйида сиз, газета муштарийларига, корхона раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш кўнлари жадвалини ҳавола қиламиз.

| № | Ф.И.Ш.                                            | ЛАВОЗИМИ                                                                                                                                            | ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВАҚТИ                                |
|---|---------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| 1 | <b>МАННОНОВ<br/>ДИЛШОД<br/>ЭРКИНОВИЧ</b>          | Бошқарув раиси                                                                                                                                      | <b>ДУШАНБА</b><br>Вақти:<br>9:00 дан 11:00 гача  |
| 2 | <b>МИЛЛАБОВЕВ<br/>УМИДИЛЛО<br/>ИСАМАТУЛЛАЕВИЧ</b> | Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари | <b>СЕШАНБА</b><br>Вақти: 9:00 дан 11:00 гача     |
| 3 | <b>СОЛИЕВ<br/>ҒУЛОМ<br/>ҒОФУРЖОНОВИЧ</b>          | Бошқарув раисининг иқтисодий ва молия бўйича ўринбосари                                                                                             | <b>ЧОРШАНБА</b><br>Вақти:<br>9:00 дан11:00 гача  |
| 4 | <b>ИСМОИЛОВ<br/>АЗАМАТ<br/>ШАВКАТОВИЧ</b>         | Бошқарув раисининг инвестициялар ва инновациялар бўйича ўринбосари                                                                                  | <b>ПАЙШАНБА</b><br>Вақти:<br>9:00 дан 11:00 гача |



## Юбилей олди суҳбатлари

# 60 йиллик ТАРИХ АКС ЭТГАН СОЛНОМА

**Мана, бизнинг ҳаммамизга сеvimли ва қадрдон бўлиб қолган корхона – “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти барпо этилганининг 60 йиллик муборак тўйи тантаналарига ҳам оз қолди. 60 йил – тарих учун бир нафаслик муддат. Лекин ана шу 60 йил чидада мамлакатимизда не-не улкан ўзгаришлар содир бўлмади, дейсиз! Табиийки, бу ўзгаришлар корхонамиз ҳаётини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Худди реал ҳаётнинг ўзи сингари корхонамизда ҳам кекса авлод ўрнига ёш авлод вакиллари келмоқда. Ҳаёт қонуни шундай.**

Корхона янги даврга мослашиб бормоқда, яъни унинг таркибий тузилмалари ҳам, асбоб-ускуналари ҳам ўзгаришга, янгиланишга юз тутмоқда. Эски русумдаги агрегат, механизм ва апаратуралар ўз ўрнини янгиларига бўшатиб, автоматлаштирилган, компьютерлаштирилган иш режими жорий этилмоқда. Кўз ўнгимизда янгича кифедадаги рақамли саноат корхонаси вујудга келаятганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиздаги улкан саноат корхоналаридан бири — “Farg'onaazot” акциядорлик жамиятининг муборак тўйи – барча Ўзбекистон кимёгарлари аҳлининг тантанали кўни ҳам. Чўнки бу йирик ишлаб чиқариш корхонаси босиб ўтган тарихий йўл солномасидаги ҳар бир муваффақиятда меҳнатсевар халқимизнинг илм-фан ва маданият соҳасида қўлга киритган ютуқлар ҳам намоян бўлади.

Шу муносабат билан, катта юбилейга ҳозирлик қўриш билан бир қаторда корхона босиб ўтган тарихий йўлни бор бўй-баста билан акс эттирувчи китоб-альбом ҳам яратилди. Бу китоб-альбом филология фанлари номзоди Набижон Солиев раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи томонидан тайёрланяпти. Бизнинг бугунги эксклюзив суҳбатимиз ана шу китоб-альбом тўғрисида.

— **Ҳўрматли Набижон Ҳасанович! Истиқлолимизнинг 31 йиллик шодиёналари биз, кимёгарлар учун қўшалоқ байрам сифатида тарих саҳифаларига бити-**

**ладиган бўлди. Негаки, шу йилнинг сентябрь ойи бошларида акциядорлик жамиятимиз аҳли корхонамиз ташкил этилганининг 60 йиллик тўйини нишонлайди. Янги китобнинг шакл ва мазмунини ҳамда ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Янги китоб-альбомни яратиш ғояси туғилганига, мана, бир йилча бўлиб қолди. Жорий йилнинг февраль ойида анъанавий навоийхонлик ва бобурхонлик ҳафталиги ўтказилган, аниқроғи, март ойи бошидан бу масъулиятли ишга астойдил қўл урилди ва барча бўлим ва цехлардан тарихий материалларни йиғишга киришилди. Маълум бўлдики, корхонадаги ҳар бир кичик жамоада ҳам ёзишга аризгулик нималардир бор экан. Одамзотга хос хусусиятлардан бири – кечаги кўнини унутгиси келмайди, болалиги, ўсмирлиги, йигит бўлиб бўлғусига етишган паллалари таърифидаги муҳим ашё, нарсабуюм ва маълумотларни йиғиб юради. Корхона ҳам бамисоли шундай. У ҳам тирик инсон каби туғилди, вояга етди. Ўзини дунёга келтирган халқининг қорига яради, оғирини енгил қилди ва қилмоқда. Қўриб турибсизки, корхонанинг оддий инсондан фарқи бор, яъни у жамият учун юз, эҳтимол, минг йиллар мобайнида хизмат қилишдек эзгу мақсад билан барпо этилган. Шуларни ҳисобга олиб, китоб-альбомда акциядорлик жамиятидаги ҳар бир катта-кичик жамоа босиб ўтган тарихий босқичларни ёритишга ҳаракат қилдик.

Унинг 40, 50 йиллик тарих китобларидан фарқланиб турувчи жиҳатларидан бири ҳам шунда.

— **Тарихни шахслар яратади, деган гап бор. Янги китоб-альбомда корхонани узоқ йиллар давомида муваффақиятли босқарган раҳбарлар, бош муҳандислар, бўлим ва цех бошликлари тўғрисида қандай маълумотлар бор? Фидокорона меҳнатчи билан ўз кичик жамоасини улуғлаган оддий ишчи-ҳодимлар, муҳандислар ҳақида-чи?**

— Янги китобда босиб ўтилган тарихий босқичларни сиз айтган тартибда ёритишга ҳам ҳаракат қилинди. Тарихни шахслар яратади, деган иборага шак келтирмаган ҳолда, айтиш мумкинки, корхонанинг асосий залворли юки ҳаммаша оддий ишчи-ҳодимлар зиммасига тушиб келган. Корхонанинг кўп тонали юки ортилган оғир аравасини доимо ишчи-хизматчилар тортган. Лоф эмаски, ҳар бир бўлим ва цехда ҳар қандай қийинчиликдан чўчимайдиган, меҳнатидан топаётган нонини қилишидан ўзи ҳам манфаатдор бўлаётган, корхона шаъни ва обрўсини ўз обрўси, деб тушунадиган ишчи-ҳодимлар талай. Мен китоб яратилиши жараёнида бир пайтлар “ишчилар династияси”, деган ном билан мактовларга сазовор бўлган ишчи сулоалари бор-йўқлиги билан қизиқиб, кадрлар бўлимига мурожаат қилдим.

Маълум бўлишича, бир оиладан чиққан ишчи-хизматчилардан

иборат сулолалар беш-ўнта эмас, юзларча топиларкан.

Мана шу фактнинг ўзи ҳам корхона салоҳиятини кўрсатмайдими? Уйлаб кўринг, тирикчилигини ўтказишга етарли бўлмаган озгина маош оладиган, меҳнат шароити оғир, инсон қадри бир пул бўлган ташкилот ёки ишхонадан ҳамма одам тезроқ қочиб пайида бўлади. Бир хонадондан уч-тўрт, ҳатто беш-олти ишчи-хизматчининг чиқиши эса диққатга молик ҳодиса ҳисобланиши керак. Негаки ота-онаси, ака-укасига ҳавас қилиб, айнан мана шу ерда ишлайман деган ахд-у паймон билан корхонага келибдими, демак, бу масканда одамнинг меҳрини қозонгучи, қалбида ҳўрмат йўтотгучи нималардир бор! Ҳаммаям ўз қадр-қимматининг муносиб баҳоланишини истайди ва бу, тўғри ҳам.

— **Инсон қадр-қиммати тўғрисида гапирдингиз. 2022 йилнинг “Инсон қадр-қимматини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”, деб номлангани ҳам бежиз эмас. Эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ёш йигит-қизларга, куч-қувватдан қолган улўғ ёшдаги меҳнат фахрийларига кўрсатилётган меҳр-қўбибат намуналарини кўриб қувонамиз. Бу фикрлар ҳамма ташкилот, корхоналарга ҳам тааллуқли, тўғри эмасми?**

— Ҳа, албатта. Ишонч билан айтишим мумкинки, узоқ йиллик меҳнатидан қадр-қиммат топган ишчи-ҳодимлар корхонада минглаб топилди. Ҳозирги кўнларда ўзининг 85 йиллик фаолиятини нишонлаш арафасида турган, ҳозир ҳам Лойиха секторида меҳнат қилишни давом эттираётган Жонмирза Арифов, нафақага чиққан бўлса ҳам 60 йиллик қўлтур юбилейга ўзининг бетакдор ҳиссасини

қўшиб келаятган Мухаммад Маҳмудов сингари устоз нурунийлар “Farg'onaazot” қозонида пишиб етилган улкан истеъдодлар эмасми? Яна бир характерли воқеани айтиб ўтсам. Яқинда 97 ёшга кирган нуруний аёл — Пелагея Лаврентьевна Просьян хонадонини зиёрат қилдик. Ҳамроҳим, 2-бўлим бошлиғи Абдувоҳид ака Қурбонов билан кириб борганимизда, Пелагея Лаврентьевнанинг уйи чеккасидаги соя-салқинли бoғчасида “Домашний доктор” журналин мутолаа қилиб ўтирганига кўзимиз тушди. Утириб суҳбатлашдик. Қулоғи анча оғир бўлиб қолган, лекин ўзини мудом тетик тутганча биз билан суҳбат қураётган бу аёлга, очик гап, ҳавасимиз келди. Ахир 97 ёшга кирган бу аёлнинг бошидан не-не даҳшатли қўнлар ўтмаган, не-не ўлимлардан қолмаган! Асли келиб чиқиши Украинанинг Суми вилояти Краснопольск туманидаги Нижняя Сиворотка қишлоғида таваллуд топган бу аёл 17 ёшида Ленинграддаги Қурилиш институтига ўқишга кириш ниятида поездга билет олиб, вокзалга чиққанида, уруш бошланиб кетган ва у фронтга жўнган. Ғалаба байрамини нишонлаб, уйига қайтиб келгач, у тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолади.

Турмушга чиқиб, икки нафар фарзанд кўради. Энг муҳими, “Азот” корхонасининг омбор цехига ишга кириб, кўп йиллар мобайнида намунали ишлайди. Бунга ўхшаш ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— **Бугунги кўнларимиз ва яшаб турган ҳафта, ойлари-миз жиддий ўзгаришларга бой бўлмоқда. Газетхоналаримизга тилакларингиз?**

— Юқорида айтиб ўтганингиздек, биз улкан Мустақиллик байрами ва тантанали 60 йиллик юбилей шодиёналари арафасида турибмиз. Барча ишчи-ҳодимлар, технологлар, муҳандислар ва раҳбарларга мазкур байрамларни меҳнат зафарлари ва юқори натижалар билан қутиб олишларини тилайман.

**Суҳбатни  
Э. АБДУЛЛАЕВА  
олиб борди.**





# ЖАМИЯТНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ...



**“Farg’onaazot” акциядорлик жамияти 60 йиллик тарихга эга. Инсон 60 йиллик умри да-  
вомида турли воқеаларнинг гувоҳи бўлгани каби, Жамият ҳам хозирги кундек кўринишга  
келгунига қадар бир неча босқичдан, қийинчиликлардан ўтган.**

онлар ҳукм сурмоқда: кар-  
бамид минерал ўғити ишлаб  
чиқарилганлиги ҳақидаги  
хушхабар тарқалди. Бу,  
Ўзбекистонда ишлаб  
чиқарилган биринчи карба-  
мид маҳсулоти эди. Цех-  
нинг ўша пайтдаги ишлаб  
чиқариш қуввати йилга  
330 минг тоннани ташкил  
этган. Завод ҳаётидаги бу  
тарихий ҳодиса республи-  
камизнинг қимматли бўлган  
ҳужжатларида бир умрга  
муҳрланиб қолди.

Фарғона заминида  
кунга деярли минг тонна-  
га яқин карбамид ишлаб  
чиқарадиган кўп тоннали агрегат-  
нинг ишга туширилиши жуда катта  
янгиллик эди, албатта. Бунинг зами-  
рида қанчадан-қанча мутахассислар,  
ишчи-ходимларнинг мислсиз мато-  
нати, сабот ва чидам билан амал-  
га оширган машаққатли меҳнати  
ётганлиги кўпчиликка маълум.

Ҳозирда «Иккинчи санаот майдо-  
ни», деб ном олган, аввал Тошлоқ  
туманига қарашли бўлган 104 гек-  
тардан иборат дашт ҳудуди карба-  
мид цехи ва келгусида қуриладиган  
ишлаб чиқариш қувватлари учун  
ажратилган эди. Тез орада қурилиш



майдонида экскаватор, бульдозер,  
кранлар иш бошлади. Дзержинск  
шаҳридаги ва Чирчиқдаги илмий  
текшириш, лойиҳалаш институтлари,  
шунингдек, Чехиянинг «Хампро-  
ект» лойиҳалаш институтлари жалб  
қилинди. Қурилиш-монтаж ишлари  
жадаллик билан олиб борилди.  
Босқичма-босқич уч сменали иш  
ташkil этилди. Муддатнинг тезлаш-  
тирилиши билан бирга маҳсулот си-  
фати ҳам эътибордан четда қолмади.


Мутахассис, ишчи-хизматчилар  
В. Минаев, Б. Збарский, Н. Куз-  
нецова, М.Аблаева, Н. Томилова,  
Р. Трибунских, Т. Нишонов, А.  
Анохин, И.Унияг, Б.Мадаминов,  
Х.Рахматуллаева, А.Маҳмудова,  
М.Юнусов, С.Ахмадалиев,  
В.Ахметьянова, И.Қўзибоев,  
Н.Валеев, Н.Қумуков, марҳум ишчи-  
ходимлардан О.Иванова, Н. Уншчи-  
кова, Н. Ившиналар сидқидиллик  
билан меҳнат қилишиб, юксак  
меҳнат намуналарини кўрсатишган.  
Шу ўринда, янги цех қурилишида  
фаол қатнашган корхона капи-  
тал қурилиш бўлими ҳамда унинг  
бошлиғи Д.Салтикованинг хизматла-  
ри катта бўлганлигини эътироф этиш  
лозим.

Мочевина ишлаб чиқариш це-  
хнинг ходимларини айна дамда

асосан ёшлар ташкил этади. Улар  
замонавий иш усуллари, юқори  
унумли технологияларни жорий  
этиш, ишлаб чиқаришни ташкил  
этиш ва бошқаришда электрон  
машиналардан фойдаланиш, му-  
раккаб автомат усуллари қўллаш  
салохиятига эга бўлган етук  
кадрлардир. Замон, вақт бир ерда  
тўхтаб турмайди: Мочевина ишлаб  
чиқариш цехида ҳам янги, замон  
талабларига мос асбоб-ускуна  
ўрнатилиб, прогрессив технологи-  
лар жорий қилинмоқда.

Цех бошлиғи Ҳасанжон Азларов  
- ғайратли, дунёқараши кенг, са-  
мимий инсон. У бу лавозимда 2020  
йилдан буён фаолият кўрсатиб ке-  
лади. Цех ходимларининг сўзларига  
қўра, Ҳ.Азларов адолатли раҳбар.  
Ходимлар билан индивидуал иш-  
лаб, уларнинг муаммоларини ҳал  
қилишга бор кучини сарфлайди.

Мана, 37 йилдан бери ишлаб  
келаётган карбамид цехи унинг  
ходимлари учун қадрдон бўлиб  
қолган. Бу цех маҳсулотларининг  
рақобатбардошлиғи ошиб, қўллаб  
чет мамлакатларга экспорт  
қилиняпти. Цех жамоаси корхона-  
нинг, қолаверса, республикамиз-  
нинг иқтисодий юксалишига ўз  
хиссасини қўшиб келмоқда.



## КУЧСИЗЛАНТИРИЛГАН АЗОТ КИСЛОТАСИ ЦЕХИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси 1999 йил йил 30 сентяб-  
рда “Farg’onaazot” ИЧБ да кучсиз азот  
кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб  
чиқариш цехларининг қурилишини  
ниҳоясига етказиш ҳақида махсус қарор  
қабул қилди. Қарор “Ўзкимёсаноат”  
раҳбарлигида қурилиш-монтаж ишла-  
рини жиддий равишда тезлаштиришни  
талаб этар эди...**

К асорга асосан, тез орада  
қуриб битказилган цехда  
Мустақилликнинг илк кўнлари-  
дан бошлаб катта имкониятлар  
яратилди, чет эл инвестор-  
лари билан ҳамкорликда жуда кўплаб  
лойиҳалар амалга оширила бошланди.  
Жумладан, 2015 йилда ҳукумат қарорига  
асосан, модернизация тартибиде КМА-2  
агрегати КМА-5 агрегатиға алмаштири-  
либ, ишлаб чиқариш қуввати 360 минг  
тоннадан 396 минг тоннага етказилди.  
Модернизация жараёнида цех бошлиғи  
А.Набиев, технология бўйича цех бошлиғи  
Ўринбосари О.Срочев, жиҳозлар бўйича  
цех бошлиғи Ўринбосари И.Мамасидиқов,  
ТЖАБТ бўйича цех бошлиғи Ўринбосари  
А.Измирян, смена бошлиқлари Ф.Хошимов,  
Ф.Мўйдинов, А.Тешабоев, И.Турдиматов,  
цех механиғи А.Исанидинов ва цех иш-  
чи-хотимларининг меҳнатлари айниқса  
самарали бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, цехда сўнгги  
пайтларда инвесторлар билан иш-  
лаш кўлами кенгайган. Олиб борилган  
ислохотлар натижаси ўлароқ, жамия-  
тининг бизнес-режаси ишлаб чиқилган.  
Ушбу бизнес-режага асосан «Casale» ком-

панияси билан ҳамкорликда цех модерни-  
зация қилинди ва қўшимча кичик қувватли  
нитрат кислота ишлаб чиқариш агрегати  
қуриб битказилди. Бундан мақсад, иллик  
ишлаб чиқариш ҳажмини 396 000 тон-  
надан 530 000 тоннага кўтариш кўзда  
тутилган.

Цехдаги технологик жараёнларни авто-  
матик бошқариш тизимининг Япониянинг  
“Июкогава-СН” компанияси технологияла-  
ри билан қайта жиҳозланиши, шунингдек,  
ушбу тизимнинг ишончилиғи ва тезкор-  
лиғи натижаси ўлароқ ишлаб чиқариш  
самарадорлиғи сезиларли даражада ошди.

Юқоридаги ислохотларнинг давоми си-  
фатида ўтган 2019 йил мобайнида АК-72М  
цехида кенг қамровли ишлар олиб борил-  
ди. Жумладан, иллик ишлаб чиқарилган  
маҳсулот ҳажми 352 897 тоннани ташкил  
этиб, ушбу кўрсаткич иллик режанинг  
106,8 % миқдориде бажарилганини  
кўрсатмоқда. Цехдаги БНГ-172Ф пещида  
конвектив қиздириш қувурларининг янги-  
ланиши ҳисобига 1 тонна тайёр маҳсулот  
учун табиий газ сарфи 87 м³дан 77 м³ гача  
камайтирилди.

2021 йилда эса ишлаб чиқариш сама-  
радорлигини янада ошириш учун ҳаво  
ажратиш цехидан қўшимча  
хаво линияси тортиб  
келиниб, ҳаво ажратиш  
агрегатиға қўшилди ва  
кучсизлантирилган азот  
кислотаси маҳсулотини  
ишлаб чиқариш кўнига 100  
тоннага кўпайди. Йиллар  
давомида қилинган меҳнат  
натижасида цех ишчи-хо-  
димлари катта ютуқларга  
эришдилар.

Анвархон Набиев Азот  
кислотаси цехига етти  
йилдан буён раҳбарлик  
қилиб келади. У фаолияти  
давомида ёш кадрларга  
эътиборни янада кучайти-  
риб, улар ичидан “захира  
раҳбарлар” тайёрлашни  
йўлга қўйган.



## Президентимизнинг ёш авлодга бўлган эътибори руҳлантирди

**Ёшлар кунида давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” боғида ўсиб  
келаётган авлод вакиллари билан учрашиб, мамлакатимиз ёшлари билан  
видеоолақа орқали мулоқот қилгани барчага маълум. Мулоқот, Шавкат  
Мирзиёевнинг сўзлари ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб  
олинди. Тадбирда иштирок этган корхона ёшлари ҳам бу борада ўз фикр ва  
мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.**

**Зебунисо Хамдамова, МКП цехи  
етакчи муҳандиси:**

— Президентимизнинг ёшларни байрам  
муносабати билан табриклаб: “Сизлар  
билан учрашиб, таклиф ва ташаббус-  
ларингизни эшитиш менга ҳар доим  
қувонч ва ғурур бағишлайди. Шижоат  
ва интилишингизни кўриб, ёнб турган  
қўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-ту-  
ганмас куч оламан. Сизлар мана шундай  
катта куч-қудрат эгасисизлар”, айтан  
сўзлари менга ўзгача куч бағишлади. Ҳу-  
сусан, “Ёшлар дафтари”да кўзда тутилган  
имтиёз ва енгилликлар энди 14-17 ёш  
оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин  
ўғил-қизга ҳам тегишли бўлиши янглик  
бўлди. Чунки ёшлар болалик онлариданоқ  
етукликка интиладилар, яратилган имти-  
ёзлар эса орзулар, қўйилган мақсадларга  
янада тезроқ етаклайди.

Техникумда ўқиш учун таълим кредити-  
нинг жорий қилиниши, 80 мингдан зиёд  
ёшларга кредит бериш учун молиявий  
ресурс ажратилиши, шубҳасиз, Ўртбоши-  
мизнинг ўсиб келаётган авлоднинг муайян  
касб-хўнарни ортттириб, келажақда унинг  
ишли бўлиши ҳақида қайғураётганини  
билдиради. Бунақа имконият, яъни тех-  
никумларга қабул бир йилда икки марта  
ўтказилиши ва техникумлар учун таълим  
кредити берилиши бошқа мамлакатларда  
бўлмаса керак. Энди эса касб-хўнарга  
қизиққан ёшлар бу имкониятдан бемалол  
фойдаланишлари мумкин.

Ўртбошимиз ғамхўрлиғи, шунингдек,  
ёшларнинг бандлигини таъминлаш маса-  
ласига алоҳида эътибор қаратиб, тад-  
биркорлик дастурларига 220 минг нафар,  
касб-хўнар ўрганишга 130 минг нафар,  
давлат корхоналари ва ҳусусий сектордаги  
бўш иш ўринларига 110 минг нафардан  
зиёд ўғил-қизнинг жалб этилишида ҳам  
ўз ақини толган. Ўртбошимизнинг бу  
таклифи ишсиз, ўзга юртда сарсон-сар-  
гардон юрган қанчадан-қанча ёшлар учун  
айни муддао бўлди. Энди улар ўзлари сева-  
ган касблари билан ўз она юртида, оиласи  
бағрида ишлашлари мумкин.

Ҳозирги замонавий ёшларнинг бўш

вақтларини мазмунли, самарали  
ташқил этиш осон эмас. Бу борада,  
маҳаллалардаги 6 миллион нафардан  
зиёд ўғил-қизимиз, айниқса уюшма-  
ган ёшларнинг қобилиятларини рўёбга  
чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиа-  
дасининг йўлга қўйилиши эса бунга  
эришининг оқилона йўлидир. Президентимиз:  
“Агар сизлар қўлаб-қуватласангиз,  
энди Беш ташаббус олимпиадасини ҳар  
йили 2 мартаба ўтказамиз”, дея муро-  
жат қилганида, барчамиз бир овоздан  
қўллаб-қуватладик. Зеро, ёшларимиз  
бўш вақтларини беҳудага сарфламасдан,  
билим олишлари, ўз устиде ишлашлари  
ва юксак натижаларни қўлга қиритишла-  
ри учун қўлай имкониятлар яратилишмоқда.  
Таъкидлаб айтишим лозимки, тадбирда  
Ўртбошимизнинг биз, ёшларга ярат-  
ётган чексиз имкониятларини тинглар  
эканман, Ўзбекистон ёшлари сафиде  
эканилигимдан беҳад хурсанд бўлидим.

Ёшлар куни арафасида Ўзбекистон  
Президентининг фармон ва қарорига  
мувофиқ, илм-фан, спорт, санъат, тад-  
биркорлик ҳамда бошқа соҳаларда юқори  
натижаларни қўлга қиритиб келаётган  
бир гуруҳ ёшлар “Келажақ бунёдкори”  
медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат  
мукофоти билан тантанали равишда  
тақдирланишди. Ўзим каби ёшларни  
ўз кучларига таянган ҳолда эришган  
ютуқлари учун эътироф этилганлиғи биз-  
ларнинг келажақка янада теран ва умид  
билан боқишга, янада катта марраларга  
эришишимизга замин яратди.

Жонқуяр юртбошимизнинг биз,  
ёшларга билдираётган юксак ишончи-  
дан кўзимга бахт кўз ёшлари қалқиди.  
Шу онда бошқа мамлакат эмас, айнан  
Ўзбекистон мамлакатиде турилганимдан  
чексиз фахр туйғусини туйдим. 2 йил-  
дан сўнг ёшлар сафини тарқ этаман,  
лекин айна дамда яна ҳам ёш, яъни, 18  
ёш бўлиб қолишни хоҳладим. Мен бор  
салохиятимни ишга солган ҳолда, Ўрт-  
бошимиз яратиб берган имкониятлар-  
дан оқилона фойдаланиб, билдирилган  
ишончини албатта оқлайман.

Б ироқ, оммавий  
ахборот воси-  
таларидаги бу  
ўзгаришларни  
кузатиб боришнинг  
миз талаби – ана шу тезкор  
эврилишларни пайқаб,  
кўриб, билибгина қолмасдан,  
уларнинг ҳушёр ва фидойи  
иштирокчисига айланишдан  
иборат.

Бизнингча, Учинчи Ре-  
нессанс илдиэлари аввало  
ўзимиз яшаб турган ман-  
зил ва маконни атрофлича  
ўрганишдан озикланиди.  
Туғилган муқаддас  
тупроғимиз, виллатимиздаги  
тарихий жой ва манзил-  
лар, шаҳар ва туманлар,  
атрофимизни кўргондек  
қуршаб турган осмонўпар тоғ  
тизмалари, бетакор табиат  
манзаралари, ҳовлиқиб оқиб  
турган шоққин дарёлари  
билмай туриб, Ватан ва ма-  
даният нималигини тасаввур  
этиб бўладими?

Мустақиллик шундай ажой-  
ий имкониятлар эшигини  
очиб бердики, баъзан нима-  
ни ва қайси китобни ўқишни  
билмай лол бўлиб қолсан,  
киши. Миллий қадриятлар  
топталган кечаги кўнларимиз  
тобора афсона-у эртакларга  
айлиниб бормоқда.

Она тилимизда-  
ги “ўлкашунослик” сўзи  
сиртдан қараганда бошқа  
минглаб сўзлардан фарқ  
қилмаётгандек туюлса ҳам,  
лекин хозирги кўнларга  
келиб энг фаол атама-  
лардан бирига айланди.  
Бунинг сабабини бугунги тўб  
ўзгаришлар моҳиятидан из-  
лаш керак. Биз ахир биринчи  
ва иккинчи Ўйғониш давла-  
рининг пойдеворини яратган  
буюк алломи ва мутафаккир-  
лар авлоди сифатида узоқ  
ва яқин ўтмишимизга доир  
бойлиқларнинг меросхўрлари  
ҳисобланамиз. Меросхўрман  
дейиш қанчалар осон, лекин  
унга маънавий жиҳатдан  
лойиқ бўлиш қанчалар қийин  
ва масъулиятли! Ғарб мамла-  
катлари тарихи ва олим-  
лари ҳар бир имкониятдан  
унумли фойдаланиб, биз-  
нинг юртимизда яшаб ўтган  
буюк инсонлар фаолиятини  
ўрганиб, ҳатто ўзимизни  
ҳам лол қилиб қўядиган

тадқиқотларини эълон қилиб  
турганда, орамизда яшаб  
ўтган ватандошларимиз  
ҳақидаги тайёр манбаларни  
ўқимаслик ёки уларга лоқайд  
муносабатда бўлишни, содда  
қилиб айтганда, мутлақо  
тушуниб бўлмайди. Бит-  
та мисол. Халқаро Бобур  
фонди ёрдамида андижон-  
лик Зокиржон Машрабий  
бошчилиғидаги бир гуруҳ  
адиб-у олимлар турли йил-

мерос қолдиргани ҳақидаги  
қимматли маълумотлардан  
хабардорликдан иборат.

Жорий йилда Фарғона  
шаҳри ташқил топганининг  
145 йиллиғи нишонланмоқда.  
Лекин бу кўҳна заминда  
ўтrockлашган аҳолининг яшай  
бошлагани бир неча ўн аср-  
лар билан ўлчанади. Бизнинг  
хозирги кўриб турганимиз  
маданий шаҳар қиёфасидаги  
Фарғона эса ўн тўққизинчи

шафқатсиз ўч олиниши аён  
бўлиб қолган. Дукчи эшон ўз  
тарафдорлари кўмағи билан  
узоқ қишлоқлардан бирига  
қочиб яширинади ва ўша  
ерда жон сақлаб қолишга  
муваффақ бўлади. Дорға  
эса унинг қиёфадоши бўлган  
халфаларидан бири торти-  
лади. Аниқроғи, фидойи шо-  
гирди устози ҳаётини сақлаб  
қолиш мақсадида ўзини Дук-  
чи эшон, деб таништиради

## РЕНЕССАНС ЎЛКАШУНОСЛИКДАН БОШЛАНАДИ

**Республикаимизнинг турли газета-журналларида, шунингдек, зан-  
гори экранда бериб борилаётган эшиттиришларда Янги Ўзбекистон,  
Учинчи Ренессанс ҳақида бири биридан муҳим фикр-мулоҳазалар,  
таклиф ва ғоялар, лойиҳалар ўртага ташланмоқда. Аини пайт-  
да улар жамиятимизнинг барча ижтимоий қатламларида кучли  
қизиқиш уйғотаётганини таъкидлаш жоиз.**

ларда юртдошимиз Бобур  
юрган йўллардан 7 марта  
экспедиция уюштиришди.  
Ана шу экспедиция босиб  
ўтган тарихий манзилларни  
ўз кўзи билан кўрган шоир  
- Қамчибек Кенжа “Андижон-  
дан Даккагача”, “Ҳинд со-  
рига”, “Бобурийлардан бири”,  
“Андижондан Бағдодгача”,  
“Буюклар изидан” деган  
номлар билан аталган 6  
та китобни эълон қилди.  
Ачинарлиси, бу китоблардан,  
оддий китобхонларни бир  
томоғна қўя турайлик, эртага  
филолог бўлиш истағида до-  
рилуфунунда тахсил олаётган  
талабалар ҳам яхши хабар-  
дор эмас. Фарғона номини  
оламга дoston қилганини  
юз бор эшитамиз-у, улар-  
нинг илм-фандаги қандай  
хизматлари туйфайли азиз-у  
мўътабар бўлганларини  
билмаймиз.

Фикримизча, ўлкашунослик  
фақат жуғрофий ҳудудларни  
билишдан иборат эмас.  
Ўлкашунослик, энг аввало,  
бу қутлўғ заминда қандай  
улуғ зотлар яшаб ўтгани,  
улар инсониятга қандай бой

асрнинг иккинчи ярмида  
барпо этилган ҳам тарих-  
ий жиҳатдан ҳақиқат. Кези  
келганда, бошқа миллат ва-  
киллари бўлса ҳам Фарғона  
шаҳрининг барпо этилишига  
салмоқли ҳисса қўшган бўлса  
- улар губернатор бўладими,  
архитектор бўладими, сармо-  
ядор бой бўладими, кимлиғи-  
дан қатъий назар - уларнинг  
ҳаёти ва фаолияти тўғрисида  
кенг китобхонлар оmmasи  
зарур маълумотларни етказ-  
иш керак.

Тарих фанининг қизиқарли  
жиҳати шундаки, унинг  
маълумотлари йилдан-йилга  
янгилиниб, мазмунни такомил-  
лашиб, янги-янги тафсилот-  
лар билан бойиб боради.  
Водийнинг Қирғизистонга  
туташ Мингтепа (хозирги  
Мархамат) қишлоғида  
яшаб ўтган Дукчи эшон  
воқеаси тарихида ҳалигача  
бир тўхтамга келиш қийин  
бўлаётган ўринлар мавжуд.  
Кейинги маълумотларга  
қараганда, Дукчи эшон  
рус зобитлари томонидан  
дорға эсиқ ўлдирилмаган.  
Исэн қатнашчиларидан

ва ҳеч иккиланмасдан дорға  
осилишга рози бўлади. Жони  
омонда қолган Мухаммадали  
эшон Шарқий Туркистон  
томонларга бош олиб кетади  
ва ўша юртларда 6 йил  
хуфёна яшаб, ўз киндик  
қони тўқилган Мингтепага  
яқин бўлган Тожикистоннинг  
Лайрони боло овулига келиб,  
шу ерда вафот этади. Ёвуз  
қўзлардан йироқда бўлган  
бу овлоқ жойига Андижон-  
дан Зокиржон Машрабий  
бошлиқ бир гуруҳ адиблар  
боришиб, у дафн этилган  
қабристонни топиб, зиёрат  
қилишди ҳамда бу ҳақда  
ҳужжатли фильм ишлаб,  
матбуотда мақолалар эълон  
қилишди. Фозилбек От-  
абек ўғлининг Мухаммадали  
эшон кўзғолони ҳақидаги  
ўқувчиларга яхши маълум  
бўлган “Дукчи эшон воқеаси”  
асарида эса, табиийки, эшон-  
нинг қочиб кетиш тафсилот-  
лари йўқ.

Бу ҳақда батафсил сўз  
юритаётганимизнинг сабаби  
шундаки, ўша пайтларда  
Мингтепа Марғилон уездига  
қарашли обод бир қишлоқ

бўлиб, аҳолиси 650 нафар  
хотин-қиз ва 550 нафар эр-  
какдан иборат бўлган.

Фарғонанинг шаҳар бўлиб  
шаклланишига, ободончи-  
лиғига у ёки бу даражада  
алоқадор бўлган ёҳуд ҳисса  
қўшган шахслар ҳақидаги  
тарихий материалларни  
тўплаш лозим. Фарғона по-  
литехника институтини про-  
фессори, техника фанлари  
доктори Назиржон Ари-  
повнинг ҳикоя қилишича,  
унинг опoқиси Мирзахон ака  
бўлиб, ранги сариққа мойил  
бўлгани учун Мирза сарик,  
деб қақиршган экан. Мирза  
ака рус тилини жуда яхши  
билган ва билимдон одам-  
лардан бўлгани учун губер-  
натор идорасида тилмочлик  
ҳам қилган. Скобелев унинг  
тўғрисидаги, юксак мадани-  
яти ва ўзбек, рус тилларини  
яхши билгани учун ўз хоти-  
раларида бу инсонни катта  
хурмат билан тилга олган,  
ўзaro муносабатларда содир  
бўлган воқеа-ҳодисалардан  
характерли мисоллар келтир-  
ган экан.

Умуман, Фарғона,  
Марғилон, Олтиариқ,  
Қўқон, Қува, Чимён,  
Қувасой, Оқболол, Риштон,  
Давгаро сингари шаҳар  
ва шаҳарчалар, обод  
қишлоқлардаги маданий  
ҳаёт, тарихий объект ва ин-  
шоотларнинг бунёд бўлиши,  
маънавий-маърифий ҳаёти  
ҳақида ҳали кўп тадқиқотлар  
олиб бориш мумкин.

Демокчимизки, қанча кўп  
излансақ, шунча кўпроқ  
ҳақиқатга яқинлашамиз,  
юртимиз тарихига чуқурроқ  
қизиқиб борамиз. Миллий  
санъатимизнинг даргалари  
бўлган Юсуфжон қизик, Уста  
Олим Комилов, Тамарахоним,  
Мукаррама Турғунбоева, Бер-  
та Давидова, Ҳалимахоним,  
Оҳун, Сулаймон ва Усмон  
қизиклар ҳаёти ва фаолияти  
ҳақида ҳали жуда кўп янги  
маълумотлар топиш мумкин.  
Улар ўз тадқиқотчиларини  
кутиб турибди.

**Дилором ҚОДИРОВА,  
вилоят АКМнинг  
ўлкашунослик сектори  
мудир.**






Как известно, со второй половины прошлого века Ферганская долина занимала в Узбекистане лидирующие позиции в выращивании хлопка-сырца. В силу географического расположения и климатических особенностей Ферганской долины сельскохозяйственные культуры здесь возделываются путём искусственного орошения. Для повышения урожайности и плодородия земель требовалось наладить производство минеральных удобрений. Таким образом, в 1957 году правительством было принято решение о строительстве завода по производству минеральных удобрений. Площадкой для строительства нового завода было выбрано 50 гектаров пустующих земель рядом с Ферганским нефтеперерабатывающим заводом. В строительстве нового завода принимали активное участие более 200 привлечённых специалистов с Чирчикского электрохимического завода, а также строительные и монтажные организации области.

Строительство нового завода шло форсированными темпами, но одной из особенностей нового строительства явилось смелое проектное решение: осуществить пуск завода в эксплуатацию с завершающей фазы. «Как такое может быть?», спросит не умудрённый опытом наш современник. Всё оказалось довольно прозрачно: дело в том, что в Чирчикском электрохимическом комбинате в то время вырабатывался избыточный аммиак, который и был пущен в производство для получения минеральных удобрений. Таким образом, 20 сентября 1962 года произошло знаменательное событие не только в жизни области,

# К 60-летию АО «Фаргонаазот»



В этом году многотысячный трудовой коллектив нашего предприятия отмечает свой 60-летний юбилей. В канун знаменательной для всех заводчан даты, необходимо отдать дань уважения и почтения тем, кто много лет назад своим самоотверженным трудом внес свой вклад в становление нашего предприятия.

Редакция нашей газеты начинает с данного номера печатать статьи, посвященные истории предприятия и заводских цехов.

## СЛАВНЫЕ ВЕХИ ИСТОРИИ ПРЕДПРИЯТИЯ

но и всей республики - впервые в Фергане была получена гранулированная селитра. Позданный ввод оборудования и пусконаладочные работы позволили значительно сократить срок ввода в эксплуатацию аммиачного производства.

**Цех «Аммиак-3»**

